

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЕЛМУРАТОВА АЙСУЛУ УСАХОВНА

**КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ АЁЛЛАРНИНГ
ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Елмуратова Айсулу Усаховна

Касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзига хос психологик
хусусиятлари3

Елмуратова Айсулу Усаховна

Психологические особенности женщин, занимающихся надомном трудом..23

Elmuratova Aysulu Usakhovna

Psychological features of women engaged in home-based43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЕЛМУРАТОВА АЙСУЛУ УСАХОВНА

**КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ АЁЛЛАРНИНГ
ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Psi24 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-falsafa@nuu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Бахриддин Менгбоевич
психология фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самаров Рустам Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Улуғова Шахлола Муслиддиновна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро Ислом академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz..)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Бош ўқув биноси, «В» қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги йил ___ рақамли реестр баённомаси.)

Ғ.Шоумаров,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

А.И.Расулов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С.Сафаев,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. БМТ маълумотларига кўра, кичик корхона, микрофирма ва оилавий тадбиркорлик субъектлари дунёнинг 50 фоиз меҳнатга лаёқатли аҳолиси учун асосий иш берувчи ҳисобланади. Жумладан, АҚШ, Франция, Буюк Британияда ишлайдиган ходимларнинг тахминан ҳар ўн нафаридан, Японияда ҳар етти нафарининг ва Италияда ҳар беш нафаридан бири кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланади. Ғарб мамлакатларида иш билан банд аҳолининг салкам 80,0 фоизи у ёки бу шаклдаги оилавий меҳнатнинг хусусан, майда, ўрта ва йирик корхоналарнинг фирма ва корпорациялар акцияларининг эгаси бўлаётганлиги ҳолати¹ ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг бугунги кунда бутун дунё миқёсида энг фойдали ва мақбул меҳнат фаолиятларидан бирига айланиб бораётганлигидан далолат беради.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-психологик омиллари, тадбиркор шахсининг индивидуал-психологик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари, оилавий тадбиркорликнинг жамият ва давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб қувватланиши каби жиҳатларини тадқиқ этишга хорижий давлатлар тадқиқотларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга қарамасдан, тадбиркор шахсининг ички психологик имкониятлари, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришнинг психологик механизмлари, тадбиркорлик хусусан, касаначилик фаолиятининг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари, фаолият мотивлари, ўз-ўзига нисбатан ишонч даражаси ва кадриятлар тизимининг ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳимлигича қолмоқда. Шу билан бир қаторда касаначи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини, касбий сифатларининг шахсий ва ижтимоий жиҳатлар билан ўзаро уйғунлашувини, фаолият мотивларини, ўз-ўзига нисбатан ишонч даражаси ва кадриятлар тизимининг ижтимоий-психологик, этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳимлигича қолмоқда.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётида хусусий мулкдор ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ”Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 3.4. бандида “Якка тартибдаги тадбиркорликнинг ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш ва

¹ Chakrabarty, S (2009) The Influence of National Culture and Institutional Voids on Family Ownership of Large Firms: A Country Level Empirical Study Journal of International Management, 15 (1), Насриев И. Оилавий тадбиркорлик – жамият фаровонлигининг асоси. // <http://www.parliament.gov.uz>.

мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, бунда яқка тартибдаги тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлар фаолиятини... асоссиз чекловларни бекор қилиш” вазифаси белгиланган. Шунингдек, Президентимиз маърузасида, “Аёлларни уларга муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш масаласидир. Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масалалар билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, хунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсамокда”² – деб, таъкидлаб ўтилади. Бу ўз навбатида касаначилик билан шуғулланувчи аёллар фаолиятидаги ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларни ўрганиш ва такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 22 январдаги “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили” Давлат дастури бўйича ПФ-5308-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПФ - 5325-сонли Фармони, 2018 йил 8 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ёритишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” бўйича устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касаначилик фаолияти бевосита меҳнат психологияси, касб психологияси билан боғлиқ бўлганлиги боис, бу муаммони психологик жиҳатдан чет эл ва Россия олимларидан³

² Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза - Т.: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.

³ Kalleberg A.L., K.T. Leicht. Gender and organizational performance iderterminants of small business survival and success // Academy of menedgment journal, 1991. V. 34. P. 25-26.; Хизрич Р., Питерс С. Предпринимательство. -М.,1991,С.20;Hoscin A. Курс предпринимательства.-М.,1993,С.23; Щербатых Ю.В. Психология предпринимательства и бизнеса: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2008. – 304 с.; Бардиер Г.Л. Бизнес психология. М.: Изд-во Генезис, 2002. 412с.; Гинс Г.К. Предприниматель. 2-е изд. М.: Изд-во Посев, 1992. 223 с.; Задорожнюк И.Е. Предприниматель: экономико-психологический профиль //Психологический журнал.1992.Т.13.№3. С. 42-53.; Карпов В.В., Васильева С.А., Белова Е.В. Психология предпринимательства (Электронный учебник) //СПб.: СПбАУиЭ, 2011.; Розанова В.А. Психологические основы предпринимательской деятельности руководителей. // Управление персоналом. 1997. № 11. С. 14-16, 5051.; Рудакова С.В., Джанерьян С.Т. Современные аспекты исследования предпринимательской деятельности в отечественной психологии // Психологический вестник РГУ. 2000 (выпуск 5). С. 222-227.; Черикова А.Е.

Kalleberg A.L., K.T. Leicht (1991); Hisrich R.D. (1991); Хоскин А. (1993); Акперов И.Г., Масликова Ж.В. (2003), Щербатых Ю.В. (2008); Бардиер Г.Л. (2002), Гинс Г.К. (1992), Задорожнюк И.Е. (1992), Карпов В.В., Васильева С.А., Белова Е.В. (2011), Розанова В.А.(1997), Рудакова С.В., Джанерьян С.Т. (2000), Чирикова А.Е. (1998) каби тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини, иқтисодий шарт-шароити ва касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини ўрганганлар. Аммо, бутун дунё ва шу жумладан, Ўзбекистонда касаначи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари, мазкур фаолиятга ундовчи психологик мотивлар, кадриятлар тизими, касбий сифатларининг шахсий ва ижтимоий омиллар билан ўзаро уйғунлашуви ҳамда касаначилик фаолиятининг улар яшаётган оилага таъсирининг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятларини махсус ўрганиш муҳимлигича қолмоқда.

Ўзбекистонлик психолог тадқиқотчилар томонидан ҳам тадбиркорлик, оилавий бизнес ва касаначилик фаолиятининг ижтимоий-психологик хусусиятларига доир изланишлар олиб борилган бўлса-да (Э.Ғозиев(1994), В.Каримова, О.Э. Хайитов (2005), Ш.С. Шойимова (2009) , Ш.М. Улуғова (2011)) аммо касаначи аёллар фаолиятининг ижтимоий-психологик хусусиятлари юзасида алоҳида изланишлар амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1. ПЗ-2014-0913113120 врақамли “Оила барқарор ривожланишининг иқтисодий демографик омиллари” мавзусидаги (2015-2017йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: касаначилик билан шуғулланувчи аёллар касбий сифатларининг шахсий ва ижтимоий жиҳатлар билан ўзаро мувофиқлиги, уларнинг фаолият мотивлари, ўз-ўзига нисбатан ишонч даражаси ва кадриятлар тизимининг ижтимоий-психологик, этнопсихологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касаначи аёлларнинг касбий фаолиятга нисбатан бўлган муносабатининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишаниқлаш;

касаначи аёллар фаолиятига оила тури ва касбга кўра шахс типининг ижтимоий омил сифатидаги таъсирини аниқлаш;

касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг касбий мотивациялари даражасини аниқлаш;

касаначи аёлларнинг кадриятлар тизими хусусиятларини ўрганиш;

касаначи аёлларнинг ўзига нисбатан ишончини баҳолаш даражасини аниқлаш;

касаначилиқ фаолияти билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзини ўзи баҳолаш хусусиятларини аниқлаш;

касаначилиқ билан шуғулланувчи аёлларнинг этнопсихологик жиҳатларини, хусусан, қорақалпоқ ва ўзбек аёлларидаги ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларни ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор ҳудудларида уй шароитида касаначилиқ фаолиятини олиб бораётган 202 нафар касаначи аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предметини касаначи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари, аёлларни касаначилиқ фаолиятига ундовчи мотивлар, касаначилиқнинг оила турига боғлиқ хусусиятлари, ҳаётий қадриятлар тизимида инструментал ва терминал қадриятларнинг ўрни, касаначи аёллар фаолиятида кузатиладиган ўзига ишонч даражаси ҳамда касбий фаолият типларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Муаммони эмпирик тадқиқ қилиш жараёнида касаначилиқ билан шуғулланувчи аёлларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш учун махсус тузилган ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС); Дж. Холланднинг “Шахс типларини аниқлаш” методикаси; М.Рокичнинг “Қадриятлар йўналганлигини аниқлаш” методикаси; Н.Райдоснинг “Шахснинг ўз-ўзига ишончини баҳолаш” тести; Т.Элерснинг “Муваффақиятга интилиш мотивацияси” ва “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” тестларидан фойдаланилди ва эмпирик натижаларни қайта ишлашда математик-статистик методлар (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Стъудентнинг t-мезони, Mann-Whitney U-мезони, К.Пирсоннинг χ^2 корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари) ёрдамида тадқиқотда қўлга киритилган миқдорий кўрсаткичлар қайта ишланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

касаначи аёлларнинг касбий фаолиятга боғлиқ ижтимоий-психологик ва ҳудудий хусусиятлари сифатида касаначилиқнинг мамлакатимиз аҳолиси талаб ва истаклари, анъаналари, яшаш шароити, турмуш тарзи ва демографик қиёфасига ижтимоий-психологик жиҳатдан мос келиши, қорақалпоқ ва ўзбек аёлларида касаначилиқ фаолиятининг ўзига хос психологик жиҳатлари бўйича ўхшашлик ва тафовутларнинг мавжудлиги ҳамда тадбиркорлик ва ижтимоий шахс типининг бошқа шахс типларига қараганда касаначилиқ фаолияти билан шуғулланишга мойиллиги даражаси юқорилиги аниқланган;

касаначи аёлларда касбий сифатларнинг шахсий ва ижтимоий жиҳатлар билан ўзаро уйғунлашуви уларда муваффақиятга интилиш мотивациясининг шаклланишига олиб келиши, уларни фаолиятга ундовчи мотивлар, ўз-ўзига нисбатан ишонч даражаси, ўзини ўзи баҳолаш хусусиятлари ва қадриятлар тизимининг ижтимоий-психологик хусусиятлари аниқланган;

аёлларнинг касаначилиқ фаолиятида ютуқларни қўлга киритишда жамоа бўлиб ишлашнинг психологик имкониятлари даражаси, биргаликда бажариладиган фаолиятда доимий мулоқотга киришиш орқали гуруҳга

мансубликни ҳис этиш даражаси ошишининг ижтимоий психологик жиҳатлари аниқланган;

касанаачи аёлларда мақсадли кадриятлар воситали кадриятларга нисбатан юқори даражада ифодаланиши ҳамда шахсга хос бўлган ижтимоий-психологик ҳислатларнинг касбий фаолиятга таъсирини белгиловчи ижтимоий-психологикомиллар ойдинлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

касанаачи аёлларнинг касбий фаолиятига боғлиқ ижтимоий-психологик, этноспихологик ва ҳудудий хусусиятлари бўйича олинган натижалар “Тадбиркорлик ва бизнес психологияси”, “Бошқарув психологияси”, “Ижтимоий-психология ва этнопсихология” каби фанларни янги маълумотлар билан тўлдирилишига хизмат қилган;

тадқиқотдан олинган натижалар кўп болали аёллар, нафақага чиққанлар, имконияти чекланганлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини мазкур фаолиятга қизиқишини орттиришда фойдаланилган;

оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолияти билан шуғулланишга қизиқувчиларни ва соҳа мутахассисларининг психологик билимларини оширишга хизмат қилувчи илмий-амалий ишланмалар яратилган;

касанаачилик фаолияти билан шуғулланувчи аёлларда ўз-ўзига нисбатан ишончни ошириш бўйича ва шу йўналишдаги ижтимоий-психологик тренинглар ўтказиш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқот объектларининг Ўзбекистон муҳитига мос танланганлиги, тадқиқотларда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлилиги, танланган методикаларнинг валидлиги ва ишончлилиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистик ишончли усуллар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, бунда замонавий электрон дастурий воситалар қўлланилганлиги, изланишлар аниқ ва режа босқичларда бир-бирини тўлдирувчи усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот давомида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касанаачилик билан шуғулланувчи аёллар фаолиятининг илмий-назарий ва ижтимоий-психологик хусусиятлари, аёлларни касанаачилик фаолиятига ундовчи мотивлар ва уларнинг кадриятлар тизими билан ўзаро боғлиқлиги, аёлларда касанаачилик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи ўз-ўзига ишонч ҳамда фаолият мотивацияларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш механизмларининг психологик мазмун моҳияти очиб берилганлиги билан тавсифланади.

Амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалардан касаначи аёлларнинг ўз-ўзига ишончини оширишда, ёш касаначи аёлларни мазкур фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлашда, касаначилик фаолиятида мағлубиятдан қочиш ва мағлубиятга эришишни таъминлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, кўлга киритилган натижалардан олий таълим муассасаларида “Ижтимоий психология”, “Касб психологияси”, “Иқтисодий психология”, “Гуруҳ психологияси”, “Этнопсихология”, “Социал психологик тренинг” соҳаларининг мазмунини бойитишда, амалиётчи психологларнинг малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

касаначи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусияларини ўрганиш бўйича олинган натижалардан Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув- илмий маркази тингловчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда фойдаланилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2018 йил 2 июндаги 02-07-1696/04-сон маълумотномаси). Бу таълим тизими амалиётчи психологлари оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятининг ўзига хос психологик хусусиятлари тўғрисидаги психологик маълумотлар билан қуроллантирган ва уларнинг касбий куникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

касаначилик фаолияти билан шуғулланувчи аёлларнинг ижтимоий-психологик, этнопсихологик, ҳудудий ва оилавий хусусиятларини тадқиқ қилиш натижаларидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган “Қўли гулдир ўзбек аёлин...” номли миллий кўрғазмалари тадбирларида фойдаланилган (2009–2011йй.) (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2011 йил 11 февралдаги 02-77-сон маълумотномаси). Натижада касаначи аёллар фаолиятининг ижмояи омил сифатидаги ўрни ва унга оила тури, касбга кўра шахс типи таъсирининг психологик хусусиятларини аниқлаш имкониятлари яратилган;

касаначи аёллар фаолиятида мотивация турлари, қадриятлар тизими, шахс типлари, ўзига нисбатан ишонч даражаси ва ўзини ўзи ижтимоий-психологик жиҳатдан баҳолаш компонентларини аниқлашдан олинган натижалар асосида махсус ижтимоий-психологик сўровномалар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2018 йил 14 майдаги 06/380-18-сон маълумотномаси). Натижада касаначи аёлларнинг фаолиятга ундовчи мотивация даражалари, касбга кўра шахс типлари, қадриятларга йўналганлиги ҳамда касаначи аёлларнинг ўзларига нисбатан бўлган ишончларини баҳолаш имкониятларини ва касаначилик фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

касаначи аёллар учун касаначиликнинг ижтимоий омил сифатида оила учун қулай томонлари, биргаликда гуруҳий фаолият юритиш, ёш касаначиларнинг устоз сифатида тажрибали касаначилар билан ўзаро

муносабат турлари психологик жиҳатдан қорақалпоқ этносида илк маротаба ўрганилганлиги боис уларнинг фаолиятига устоз шогирд муносабатини қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Тадбиркор аёллар уюшмасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Тадбиркор аёллар уюшмасининг 2016 йил 18 мартдаги 56-сон маълумотномаси). Натижада касаначи аёлларнинг ўзларига нисбатан бўлган ишончларини баҳолаш имкониятлари ҳамда аёлларнинг касаначилик фаолиятида самарали натижаларга эришиш имкониятлари кенгайтириш таъминланган;

касаначилик фаолиятида аёлларнинг мақсадли кадриятлари воситали кадриятлардан устун эканлиги, касбий фаолиятда шахс типи таъсирини ифодаловчи ижтимоий-психологикомиллар ва кузатилган тафовутлар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Тадбиркор аёллар уюшмасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Тадбиркор аёллар уюшмасининг 2018 йил 14 майдаги 11-сон маълумотномаси). Натижада касаначи аёллар фаолиятида мақсадли кадриятлар воситали кадриятлардан устун эканлиги ҳолати ва бунинг касаначи аёллар жинс хусусиятларига боғлиқлиги жиҳатлари ишнинг илмий-амалий ва методик таъминотини кучайтирган ҳамда касаначи аёллар фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, 10 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 172 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, ишнинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кичик бизнес билан шуғулланиш муаммоси психологик тадқиқот предмети сифатида”** деб номланган биринчи бобида

хориж ва Россия олимларининг ижтимоий-психологик тадқиқотларида инсоннинг касб-кори, кичик бизнес, тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлиш муаммолари бир қатор олимлар томонидан ўрганилганлиги таҳлил қилинган.

Шунингдек, мазкур бобда кичик бизнес билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини касаначилик мисолида чет эл ва Россия олимлари тадқиқотларида С. Gilligan (1982); А.Л. Kalleberg, К.Т. Leicht (1991); Л.В. Бабаева, А.Е. Чирикова (1996); С.Ю. Барсукова (1999); Т.И. Карпенко (1999); Г.В. Турецкая, В.А. Хашенко (2000); И.А. Шокина (2000); М.В. Бучацкая (2005); Г.Н. Волкова, Г.В. Миль (1990), Е.В. Белова (2011) каби тадқиқотчиларнинг кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари таҳлил қилинган⁴.

Ўзбек психологларида В.М. Каримованинг фикрича, “Оилавий бизнес”нинг тадбиркорликни бошқа турларидан асосий фарқи - оилавий юмушлар ва оиланинг ҳар бир аъзоси бажарадиган муайян ижтимоий-психологик ролларнинг меҳнат фаолияти билан узвий боғлиқлигида кўринади. Бундай фаолиятда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда барча оила аъзолари учун қулай иш жадвали ва меҳнат тақсимоли имконияти мавжуд бўлади⁵.

Э.Ғ. Ғозиев ўз тадқиқотларида шахснинг касби - меҳнат, ўйин, ўқиш фаолиятлари натижаларига боғлиқ бўлиб, у унинг ёшига, индивидуал-психологик хусусиятларига, раҳбар ёки ходим даражасидаги мавқеига боғлиқ равишда намоён бўлишини кўрсатиб беради.⁶

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда шахснинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича ўзбек психологларида О.Э. Хайитов (2005), Ш.С. Шойимова (2009) , Ш.М. Улуғова (2011) лар махсус тадқиқот ишларини олиб борганлар.

О.Э. Хайитов⁷ томонидан тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари шахсдаги муваффақиятга нисбатан мотивациянинг кучи, фаолият жараёнида намоён бўладиган ва шаклландирган сифатларнинг тадқиқотчи томонидан олиб борилган тадқиқотларда исботланганлиги аҳамиятлидир.

Ўзбек психологлари орасида Ш.М. Улуғова⁸ илк маротаба, бозор иқтисодиёти шароитида хотин-қизларнинг мослашувчанлик жараёнини

⁴ Белова Е.В. Личностные особенности успешных предпринимателей малого и среднего бизнеса. Автореферат дисс. Канд.психол.наук. Санкт-Петербург. 2012. 24 стр.

⁵ Оилавий бизнес – оила мустақамлиги ва фаровонлигининг омили. Илмий мақолалар тўплами (Проф. В.Каримова таҳрири остида). – Т., 2011 – Б. 10.

⁶ Ғозиев. Психология: (Ёш даврлари психологияси): Пед.институтлари ва университетлари учун ўқув қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1994.-224 б.


⁷ Хайитов О.Э. Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати. - Т.: 2005. - 24 б.

⁸ Улуғова Ш.М. Бозор иқтисоди шароитида хотин-қизлар ижтимоий-психологик мослашувининг ўзига хослиги: Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. - Бухоро. 2011. - 138 б.

характерловчи хусусиятларни ижтимоий-психологик объект сифатида ўрганиб, маҳаллий шароитда хотин-қизларнинг бозор иқтисодиётига мослашувчанлик жараёнининг ижтимоий-психологик омиллари ва уларнинг намоён бўлиш механизмлари динамикасини тадқиқ этади ва бозор иқтисодиёти шароитида хотин-қизлар мослашувчанлигига этномаданиятнинг таъсир қилувчи психологик омилларини кўрсатиб беради.

Ш.С. Шойимова⁹ ўз тадқиқотларида тадбиркор ўзбек аёллари шахсининг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятларини ўрганган бўлиб, тадбиркорнинг шахсий (хулқ-атвор) ва ижтимоий-психологик хусусиятлари уларга жамиятда етакчи (лидер) лик мавқеини эгаллашга имконият беради ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг муваффақиятли кечишида тадбиркорнинг психологик қиёфасини ташкил этувчи барча ижобий сифатларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Диссертациянинг **“Касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш методологияси”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган методикалар, улардан кўзланган мақсад ва улар синалувчиларда қандай жиҳатларни ўрганишга мўлжалланганлиги ҳамда улар ёрдамида олинган эмпирик (тажриба) материаллар, уларнинг мазкур илмий тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ечишга йўналтирилганлиги ёритилган. Касаначилик билан шуғулланувчи аёллар фаолиятида кузатиладиган ижтимоий-психологик хусусиятларни аниқлаш мақсадида мазкур тадқиқот учун махсус ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС) бўйича тадқиқот объекти бўлган Нукус шаҳри, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги касаначи аёллар кесимида олинган натижалар таҳлили келтирилган.



1-расм. Касаначи аёлларнинг ҳудудлар бўйича таркиби

⁹.Шойимова Ш.С.Тадбиркор ўзбек аёллари шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психол.ф.н.диссертация.-Т.-2009.130 б.

Мазкур бобнинг 2-параграфида тадқиқот ишида илгари сурилган илмий фаразни текшириш учун касаначилар шартли равишда 4 гуруҳга ажратиб олинди. Булар: ОК - оилавий касаначилар; ЁК - ёш касаначилар; ГК - гуруҳдаги касаначилар; ТК - тажрибали касаначилар.

Диаграмма натижаларидан кўринадики, касаначи аёлларнинг аксарият қисми ОК яъни, оилавий касаначилар гуруҳига мансубдир. Бу кўрсаткич Қорақолпоғистон Республикасида – 30,4% ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида – 30,0%га тенгдир. ТК яъни, тажрибали касаначилар иккала ҳудуд миқёсида ҳам камчиликни ташкил этади: Қорақолпоғистон Республикаси – 17,6 % ва Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида – 16,0%.

Мазкур бобнинг 2.3 - параграфида касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг касб танлашдаги мотивациялари таҳлили берилган.

“Касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг шахс ва мотивацион-қадриятлар хусусиятлари” деб номланган учинчи бобнинг 3.1 - параграфида касаначи аёлларнинг касбга мос шахс типи ва уларнинг касаначилик фаолиятида намоён бўлиши ва ифодаланиши ёритилди. Тадқиқотимизда касаначи аёлларнинг касбга мос шахс типи ва уларнинг касаначилик фаолиятидаги ифодаланишини аниқлаш мақсадида Дж. Холланднинг “Шахсга типларини аниқлаш” методикасидан фойдаландик.

Тадқиқот натижаларига кўра, касаначилик билан шуғулланаётган Нуқуслик ва Тошкентлик аёлларнинг шахс типлари бўйича ифодаланиши таққосланганда уларда “Реалистик” шахс типи натижалари бўйича тафовутлар деярли кузатилмайди. Шахс типлари бўйича бу тоифага мансуб аёлларда иккала ҳудудда ҳам фойдали меҳнат ва фаолиятдан тез натижага эришишга интилиш, кўл меҳнатини, эпчилликни талаб қилувчи машғулотларни хуш кўриш хусусиятлари мавжудлиги кузатилди.

Касаначи аёлларнинг интеллектуал тоифа бўйича натижалари солиштирилганда, иккала ҳудудда ҳам касаначилик билан шуғулланаётган аёлларда ижодкорлик, яратувчанлик ва фикрлаш қобилияти хусусиятларида кескин тафовутлар кузатилмайди, бу уларнинг касбий фаолияти ақлий ҳаракатлардан кўра бевосита амалий ҳаракатларга йўналтирилганлигидан далолат беради.

“Ижтимоий” шахс типига мансуб касаначи аёлларнинг шахс хусусиятларида ўзига хос тафовутлар кузатилди. Жумладан, “Ижтимоий” шахс тоифаси даражаси юқори бўлган Тошкент ҳудудида ижтимоий соҳа билан бандлик аёлларнинг касаначилик билан шуғулланишларига халақит бермаслиги ва аксинча, қулай фурсат туғилиши билан улар шу фаолият билан шуғуллана олиши мумкинлигини кўрсатади. Буни тадқиқотимизнинг эмпирик қисмида касаначилик билан “бўш вақт топилса шуғулланиши”, “бу халақит бермаслиги” ҳақидаги жавобларнинг респондентлар томонидан белгиланганлиги ҳолати ҳам кўрсатиб турибди. Қорақолпоғистон ҳудудидаги

касанахи аёлларда эса “Ижтимоий” шахс типи кўрсаткичлари бир мунча паст даражани ифодалайди.

1 - жадвал

**Касанахи аёлларда касбий шахс типларининг ифодаланиши
(Дж.Холланд методикаси бўйича)¹⁰ n=202**

Шахс типлари	Умумий		ҚҚР		ТОШКЕНТ		t
	m	σ	m	σ	m	σ	
Реалистик	4,78	2,59	4,20	2,84	4,52	2,45	-,573
Интеллектуал	3,69	1,76	3,90	1,46	3,72	1,67	,578
Ижтимоий	6,19	2,37	5,20	1,95	6,58	2,09	-3,524**
Конвенциал	4,61	2,07	4,40	1,87	4,84	1,83	-1,174
Тадбиркор	6,18	2,59	6,20	2,70	6,76	3,11	-,884
Артистик	5,08	2,15	4,80	2,58	5,40	1,92	-1,364

** p≤0,01; * p≤0,05

Тадқиқотимизда касбга оид шахс тоифаларининг касанахилик билан шуғулланаётган аёлларга хослигини ўрганиш бўйича корреляцион боғлиқлик натижаларига кўра, аҳамиятли корреляцион боғланишлар барча методикалар бўйича танланишлар натижалари орасида мос умумий корреляцион муносабатларни берди. Хусусан, Дж. Холланд методикаси ва Т.Элерснинг “Муваффақиятга интилиш мотивацияси” ҳамда “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” шунингдек, Н.Райдоснинг “Ўз-ўзига ишончни баҳолаш” методикалари орасидаги боғланишлар аниқланди. Жумладан, интеллектуал типнинг ижтимоий (0,210), конвенциал тип (0,205) бўйича Т.Элерснинг “Муваффақиятга интилиш мотивацияси” (0,166) ва “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” (0,119) натижалари ўртасида ҳам ижобий боғлиқлик кузатилди. Бу касанахи аёлларнинг мулоҳазали ва кузатувчан, мустақил ва оригинал фикр юритувчанлик, ностандарт тафаккурга эга бўлиш ҳамда ишга ижодкорона ёндашишларидан далолат беради ва улардаги мулоқотчанлик, эмоционаллик, ижрочилик, интизомлилик ва тартиблилик хислатлари даражасининг юқорилигини таъминлайди ҳамда фаолиятда муваффақиятга нисбатан юқори мотивацияни, мағлубиятдан қочиш мотивацияси эса ўртача даражада бўлишини таъминлайди.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, касанахи аёлларнинг ижтимоий типи хусусиятлари билан “Муваффақиятга интилиш мотивацияси” (0,134) бўйича олинган натижалари ўртасида ўзаро ижобий боғланиш кузатилади. Бундай боғланишнинг намоён бўлиши касанахи аёлларда фаоллик, мулоқотчанлик, эмоционал таъсирланувчанлик, инсонлар билан муносабатларни тез ўрната олиш ва уни сақлаб қолишни яхши билиш ҳамда ўз меҳнатининг асосий мазмунини ташкил қилиш қанчалик юқори бўлса, уларда муваффақиятга интилиш мотивацияси ҳам шунчалик юқори бўлишига имконият яратади.

¹⁰ Изох: m-ўртача арифметик киймат. σ - стандарт оғиш, t-статистик фарқлар.

Шунингдек, тадқиқотимизда тадбиркорлик типининг “Мувафакқиятга интилиш мотивацияси” (0,234) ва “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” (0,243) билан ўзаро ижобий боғланиш ифодаланганлиги ҳолати кузатилди. Бундай боғланиш ўз навбатида касаначилик билан шуғулланувчи аёллар фаолиятида топқирлик, ҳаракатчанлик, ишончлилик, ташаббускорлик, таваккалчилик, етакчиликка интилувчанлик, ўзини кўрсатишни хуш кўриш ва узоқ муддатли диққат концентрациясини талаб қилувчи машғулотларни ёмон кўриш хусусиятлари қанчалик юқори бўлса, мувафакқиятга интилиш мотивацияси ва мағлубиятдан қочиш мотивацияси даражасининг юқори бўлишини таъминлаганлигини кўрсатади.

Тадқиқотимизда артистик типнинг “Мувафакқиятга интилиш мотивацияси” (-0,266), “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” (-0,256) ва шахснинг ўз-ўзига ишончини баҳолаш (-0,138) даражаси ўртасида салбий интеркорреляцион боғланишнинг намоён бўлганлиги кузатилди. Бундай ҳолатнинг намоён бўлиши бизнинг фикримизча, касаначи аёллар ўз фаолиятларида инсонлар билан ўзаро муносабатларга киришишда ўзининг ҳис-кечинмаларига, интуициясига таяниш ва эмоционал таъсирчанлик даражасининг юқорилиги мувафакқиятга интилиш мотивацияси ва мағлубиятдан қочиш мотивациясининг ҳамда ўз-ўзига нисбатан ишонч даражасининг пасайишига олиб келишига сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, тадқиқотимизда кузатилган “Мувафакқиятга интилиш мотивацияси” билан “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” (0,879) ўртасидаги ижобий боғланишнинг намоён бўлиши эса, касаначи аёлларда мувафакқиятга интилиш даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик ўзига нисбатан талабчанлик, интилувчанлик, ташаббускорлик ва масъулиятлилики таъминлаб, мағлубиятдан қочиш мотивацияси даражасининг юқори бўлишига хизмат қилганлиги кузатилади.

Мазкур бобнинг 3.2 - параграфида ҳудудлар кесими бўйича Дж.Холланд методикаси бўйича касаначи аёлларда шахс типлари бўйича тадбиркорлик ва ижтимоий тип юқори кўрсаткичга эга эканлиги ва Т.Элерснинг “Мувафакқиятга интилиш мотивацияси”, “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси”, Н.Райдоснинг “Шахснинг ўз-ўзига ишончини баҳолаш” методикалари билан корреляцион боғлиқларининг Стьюдент t мезони бўйича таҳлили берилган.

Бунга кўра, тадбиркорлик типи бўйича юқори даражага эга бўлган касаначиларда Т.Элерснинг “Мувафакқиятга интилиш мотивацияси” методикаси бўйича ўртача миқдор кўрсаткичининг ($m=11,3111$) юқорилиги касаначиларнинг ўз фаолиятларини олиб боришда ўзига нисбатан талабчанлик, ташаббускорлик, масъулиятлилики, бажараётган фаолиятининг натижаси яхши эканлигини кўрсатишга интилиш каби қатор установакаларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу тадбиркорлик типи кўрсаткичи бўйича мувафакқиятга интилиш мотивацияси даражаси паст бўлган касаначиларда ушбу кўрсаткич даражаси юқори бўлган касаначиларга

нисбатан ўртача миқдор кўрсаткичининг намоён бўлиши ($m=8,7051$) бизнинг назаримизда, бундай касаначиларда энг асосийси иш билан бандлик ҳолати улар учун муҳим, қайсидир ишни бажариш орқали улардаги жамоага тегишлилик, ишсиз эмас эканлиги каби психологик установка мавжудлигидан далолат беради.

Тадбиркорлик типининг юқори даражаси кузатилган касаначи аёлларда “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” методикаси бўйича ҳам ўртача миқдор кўрсаткич ($m=11,8444$) етарлича юқори кўрсаткичга эга бўлиб, бу ўз навбатида касаначи аёлларда мағлубиятдан қочиш мотивацияси даражаси юқорилигини кўрсатади ва касаначи аёлларда бефарқлик, беписандлик ҳиссига қараганда ҳадиксираш, керак бўлса қайғуриш ҳисси юқорилигидан далолат беради. Мағлубиятдан қочиш мотивацияси паст даражада бўлган касаначиларнинг ўртача миқдор кўрсаткичлари ($m=8,7885$;) эса ўртача даражада ифодаланadi. Бундай ҳолат ўз навбатида касаначи аёллар учун фаолиятда гуруҳнинг ютуғи ҳамма учун зарур эканлиги, биргаликда ойлик маош олишда бошқалардан ажралиб қолиш ноқулайликни юзага келтириши мумкинлигини англашни ҳамда тажрибали ва оилали касаначи аёлларда ўз меҳнатларига нисбатан жиддий ёндашиш истагининг мавжудлигидан далолат беради. (2-жадвал)

2-жадвал.

Шахс типларининг Студент t мезони бўйича методикалараро мослик кўрсаткичлари (n=201)

Шахс типи Методика	Тадбиркорлик типи					Ижтимоий тип			
	Дара-жалари	n	m	σ	t	n	m	σ	t
Т.Элерснинг “Мувафақиятга интилиш мотивацияси”	Юқори	45	11,3111	7,52518	0,033	163	8,8098	7,12460	0,05
	Паст	156	8,7051	7,05482		38	11,3421	7,39348	
Т.Элерснинг “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси”	Юқори	45	11,8444	7,54669	0,012	163	9,1166	7,20202	0,149
	Паст	156	8,7885	7,01244		38	11,0000	7,24476	
Н.Райдоснинг “Шахснинг ўз-ўзига ишончини баҳолаш”	Юқори	45	2,5111	0,75745	0,991	163	2,5399	,86955	0,344
	Паст	156	2,5128	0,87611		38	2,3947	,75479	

Тадқиқотимизда тадбиркорлик типи ҳам юқори ҳам паст даражада намоён бўлган касаначи аёлларда Н.Райдоснинг “Шахснинг ўз-ўзига ишончини баҳолаш” методикаси бўйича олинган натижаларга кўра, аҳамиятлилиқ даражасидаги фарқлар сезиларли даражада кузатилмайди. Шунга асосланиб, тадбиркорлик типи кўрсаткичи юқори даражада

ифодаланган касаначилар ўзларига ишонадилар, улар ҳар доим тўғри иш қиляпман деб ўйлайдилар, қайси ҳолатда хато қилаётганликларини эса яхши биладилар дейиш мумкин деган хулоса келиб чиқади.

